

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



Рўйхатга олинди: № БД-5110100 - 2.02  
2020 йил "14" 08

Уқитувчи нутқ маданияти  
фан дастури

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар

Таълим соҳаси: 110000 – Педагогика

Таълим  
йўналиши: Барча бакалаврият таълим йўналишлари учун

Fanning ishchi o‘quv dasturi Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Kengashining 2019 -yil 22-iyundagi 14- sonli qarori asosida tayyorlangan.

Fanning ishchi o‘quv dasturi Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Kengashining 2019 - yil “14”-sonli bayoni bilan tasdiqlangan.

### **Tuzuvchilar:**

Adilova Saodat – Tillar va nutq madaniyati kafedrasi dotsenti, p.f.n.  
Mo‘ydinov Qodirjon – Tillar va nutq madaniyati kafedrasi katta o‘qituvchisi  
Yunusova Shaxnoza – Tillar va nutq madaniyati kafedrasi o‘qituvchisi

### **Taqrizchilar:**

Yo‘ldoshev Ibrohim – TDO‘TAU professori, filologiya fanlari doktori.  
Norimova Gulnora – Nizomiy nomidagi TDPU o‘qituvchisi, filologiya fanlari nomzodi.

## КИРИШ

Таълим муассасаларида ўқувчи – талабалар нафақат аниқ ва гуманитар фанларнинг асосларини балким одамийлик, инсонийликнинг қонун-қоидаларини ҳам ўрганадилар. Болаларга уни сингдиришда ўқитувчининг ўрни ниҳоятда каттадир. Шу сабабга кўра узлуксиз таълим тизимида ўқитувчи шахсига катта еътибор берилган.

Талабаларнинг ўқитувчи сифатида такомил топишида ўқитувчининг ўрнини ҳеч қайси фан боса олмайди. Айниқса, талабаларнинг нутқий малакаларини шакллантиришда, дунёни англатишда ўқитувчи нутқининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд.

Нутқ маданияти жамият маданий тараққиёти, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳатлар давлат "Сиёсатининг устувор йўналиши деб еълон қилган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб етмоқда. Республикализнинг «Давлат тили» ҳақидаги Қонуни, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа хужжатларда маънавий-маърифий тарбияга, тил масалаларига алоҳида еътибор берилган. Ҳар бир кадр, енг аввало ўз она тилининг чинакам соҳиби бўлмоғ и лозим.

**Ўқитувчи нутқи маданияти фанидан ўқув-методик мажмуа (ЎММ)** – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талабалар томонидан егалланиши лозим бўлган билим, қўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув –услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, електрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

“Ўқитувчи нутқ маданияти” ўқув- услубий мажмуа замонавий педтехнология талабларига мос равишда қайта ишланиб, унда мавзуга оид муаммолар, ўқув мақсадлари, назорат саволлари ва мустақил иш топшириқлари келтирилган. Маъruzаларни тайёрлашда «таълимнинг илмийлиги» ёки «илм орқали билим егаллаш» тамойили асосида шу соҳага оид монографиялар, журналлардаги илмий мақолалар ҳамда интернетдан олинган материаллардан кенг фойдаланилди. Амалий машғулотланинг ўтказиш тартибларини баён қилишда ушбу машғулот ўтказишдан кутилаётган ўқув мақсадлари, керакли жиҳозлар ва материаллар, ишни бажарилиш кетма-кетлиги батафсил ёритилди.

Ўқув- услубий мажмуа охирида яқуний хulosалар, билимини синааб кўриш учун назорат саволлари, тегишли адабиётлар рўйхати ва фанда ёнимини кутаётган асосий илмий муаммолар мавзулари келтирилган. Мажмууда Республиканинг машҳур ўқитувчилари, Сирдарё вилояти халқ таълим мининг илғор ходимлари ҳамда университетда фаолият юритган устоз-

мураббийларнинг тажрибалари ва нотиқлик санъати, нутқи маданияти хусусиятлари таҳлил етилган.

### **Фаннинг мақсади ва вазифалари**

**« Фаннинг мақсади:** Бўлажак мутахассисларга педагоги нутқ ҳақида тўла билим бериш, улара педагогик нутқ малакаларини шакллантиришдан иборат.

**Фаннинг вазифалари:** Ўқитувчининг нутқ маданиятини ўрганиш тарихга оид маълумотлар бериш; ўқитувчининг маданий нутқи, унга қўйиладиган талаблар ҳақида тўла маълумот бериш; ўқитувчи нутқининг асосий сифатлари ( тўғ рилиги, илмийлиги, мантиқийлиги, аниқлиги, софлиги, таъсирчанлиги) тўғ рисида маълумот бериш; олинган назарий билимлар асосида адабий нутқ малакаларини шакллантириш.

Таълим сифатини ошириш учун техник воситалар: аудио-видео, кино материаллари, компьютерлар, видеопроектор, слайдлар, бадиий асарлардан парчалар; замонавий педагогик технологиялардан, хусусан интерфаол методлардан ўринли фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. “Мия хужуми”, “Карточканинг яримини топ”, шунингдек, “Венн ҳалқачалари”, “Инсерт”, “Кластер”, “ФСМУ”, ”Т-СХЕМА”, каби методлардан фойдаланиш тавсия етилади.

### **Фанни ўзлаштирган талабанинг малакавий даражалари**

Фанни ўзлаштирган талаба:

- нутқ маданияти тарихи, Шарқ ва Ўарб олимлари, адиблари, жамоат арбобларининг бу борадаги қарашлари; адабий тил норма (меъёр)лари; маданий нутқка қўйиладиган талабларни **билиши керак**;
- нутқ услублари ва нутқ маданияти масалалари; маданий нутқ **кўникмаларига ега бўлиши керак**;
- ўз нуқтаи назарини илмий асослаб бериши ва булардан амалий масалаларни ечишда фойдалана билиш **малакаларига ега бўлиши керак**.

### **. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғ лиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Ўқитувчи нутқ маданияти фани ихтисослик фани ҳисобланиб, барча бакалавр йўналишларида ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида умумкасбий блок фанларидан етарли билим ва кўникмаларга ега бўлишлик талаб етилади.

### **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг нутқ маданияти фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғ ор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга егадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, амалий машғ улот ишланмалари, тарқатма материаллар, электрон материаллардан фойдаланилади.

## **Ўқув материаллари мазмуни Маъруза машғ улотлари мазмуни**

**1. “Ўқитувчи нутқи маданияти” фанининг мақсади, вазифаси ва аҳамияти.** . Ўқитувчи нутқ маданияти фани ўзбек тилшуносликнинг ўзига хос амалий соҳаси еканлиги. У тилшуносликнинг назарий курсларидан олинган билимларга суюнган ҳолда тўғри ва таъсирчан нутқ тузиш йўлларини ўргатиши

**2. Адабий норма ва нутқ маданияти.** Тил нормасининг илмий нуқтаи назардан ўрганиш ўзбек тили нутқ маданияти муаммоларини назарий жиҳатдан асослашнинг муҳим шартларидан бири еканлиги. Адабий тилнинг ривожланиш қонуниятларини, адабий тил нормаларининг умумий ҳолатини ўрганиш. Ўзбек адабий тили нормалари (меъёрлари) яъни, лексик – семантик, талаффуз (орфоепик), ёзув (графика), фонетик, акцентологик, грамматик, сўз ясалиш, имловий, услубий, пунктуацион нормалар ҳақида маълумот бериш.

**3. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати тарихидан.**

Нутқ маданияти тушунчаси айнан нотиқлик санъатининг ўзи емас, аммо у нотиқлик маҳоратига нисбатан олганда қандайдир ўта оддий ва ўта сийқа тушунилувчи ҳодиса ҳам емаслиги. Нотиқлик маҳорати. Нотиқлик турлари. Нотиқлик санъати тарихига назар. Ғарб ва Шарқ нотиқлари ҳақида маълумот бериш.

**4. Тил ва нутқ. Нутқ одоби. Тил ва маданият. Нутқ маданияти.** Тил ва нутқ бир-бири билан боғ лиқ ҳодиса еканлиги. Нутқ фаолияти. Нутқ одоби ва нутқий етиケット. Ёзма нутқ маданияти. Нутқ маданияти муаммолари дарс мазмуни ва самарадорлиги билан бевосита боғ лиқлиги, алокадорлиги. Нутқ техникаси. Ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.

**5. Нутқнинг коммуникатив сифатлари.** Нутқнинг асосий сифатлари, хусусиятлари, нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг тозалиги, нутқнинг мантиқийлиги, нутқнинг таъсирчанлиги, нутқнинг мақсадга мувофиқлиги

**6. Грамматик стилистика ва нутқ маданияти.** Нутқ маданияти билан стилистиканинг ўзаро муносабати. Грамматик стилистиканинг икки хил кўриниши яъни, морфологик ва синтактик стилистика ҳақида. Нутқ маданияти билан нутқий услублар тенг ҳодиса бўлмаганидек, тилшуносликнинг нутқ маданияти услубият деб юритилаётган соҳалари ҳам батамом тенг ҳодисалар емаслиги. Ҳар бир нутқ услубини белгилайдиган хусусиятлар.

**Амалий машғ улотлар мазмуни - амалий машғ улотларда  
талабалар турли нутқ нормаларини, нотиқлик санъати  
масалаларини ўрганадилар**

**1. Нутқ маданияти – амалий жиҳатдан нутқнинг хилма-хил муаммоларини тадқиқ қилувчи фан.** Тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида чиройли нутқ тузиш қонуниятлари, сирлари, тил нормалари, нутқ, нутқнинг сифатлари, нутқий услублар, нутқда учраши мумкин бўлган

камчилик ва хатолар, нутқнинг талаффузига доир муаммолар юзасидан баҳс юритади.

**2. Адабий норма ва нутқ маданияти.** Халқ оғ заки ижодида нутқ одоби масалалари. Ўзбек адабий тили нормалари (меъёрлари) яъни, лексик – семантик, талаффуз (орфоепик), ёзув (графика), фонетик, акцентологик, грамматик, сўз ясалиш, имловий, услубий, пунктуацион нормалар ҳақида маълумот бериш.

**3. Фарб маданияти тарихида нотиқлик санъатининг ўрни.**

**4. Шарқ маданияти тарихида нотиқлик санъатининг ўрни** Навоий ижодида нутқ маданияти ва нотиқлик санъати масалалари.

**5. Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қахҳорнинг** сўз танлаш маҳорати ва Абдулла Қодирий асарларида нотиқлик, миллий муомала масалалари.

**6. Тил ва нутқ. Нутқ одоби. Тил ва маданият. Нутқ маданияти** Нутқий етикетни ўрганиш.

**7. Ёзма нутқ маданияти. Ўзбек тилида иш юритиш.**

**8. Ўқитувчининг нутқ техникаси ва унинг хусусиятлари**

**9. Нутқнинг коммуникатив сифатлари: ўқитувчи нутқининг аниқлиги ва тўғрилиги.**

**9. Нутқнинг коммуникатив сифатлари: ўқитувчи нутқининг софлигигозалиги ва бойлиги, ўринлилиги-таъсирчанлиги**

**10. Нутқнинг коммуникатив сифатлари: ўқитувчи нутқининг манътиқийлиги ва изчиллиги, мақсадга мувофиқлиги**

**11. Грамматик стилистика ва нутқ маданияти.** Ўқитувчи фаолиятида нутқнинг услубий турлари хусусиятлари таҳлили. Бадиий асарда, педагогик фаолиятда нутқ маданияти масалалари: Нутқ маданиятини егаллаш йўллари. Оммавий ахборот воситаларининг тил хусусиятлари.

**1. Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланишга тавсия этилади.

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;

- маҳсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғ лиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;

- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғ улотлари;

- назарий ва амалий машғ улотлар ўтиш давомида талабаларни ижодий жараёнга йўналтириш, уларни таҳлил қилиш, мустақил ишлашга ўргатиш, машқлар бажариш;

- бадиий асарларни естетик-ғ оявий жиҳатдан таҳлил қилиш, классик асарлар матни устида ишлаш, жараённи психологик томондан кузатиб бориш.

Қолдирилган дарсларни топшириш учун талаба дарс материалини маъруза дафтарига тайёрлаб келиши ва ўқитувчининг оғзаки сухбатидан ўтиши зарур. Қолдирилган ОН ва ЯН лар белгиланган тартиб бўйича топширилади.

### **Талабалар мустақил таълимининг мазмуни ва ҳажми**

(Маъруза, семинар машғулот ишлари )

1. Ўзбек тили адабий нормалари. Имло, талаффуз, аксентологик, сўз ясаш, грамматик,
2. Услубий, пунктуацион нормалар
3. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари нотиқлик хусусида
4. Алломаларнинг маданий нутқ ҳақидаги фикрлари
5. Нутқнинг коммуникатив сифатлари
6. Нутқ ва нутқ техникиси тушунчалари.
7. Сўз, атама ва термин, уларнинг ўзига хосликлари.
8. Халқ оғзаки ижодида нутқ одоби,
9. Маданий нутқ кўнималарини тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг ўрни
- 10.Нутқ маданияти ва стилистиканинг ўзаро муносабати ҳақида
- 11.Нотиқлик санъати тушунчаси ҳақида.
- 12.Нотиқлик санъати тарихи.
- 13.Ғарб нотиқлари: Аристотел, Сицерон, Квинтилиан ва бош. фаолиятлари ҳақида маълумот топиш.
- 14.Шарқнинг машҳур нотиқлари.
- 15.Таниқли воизлар: Кошибий, Мехнагий.
16. Риёзий ҳаёти ва фаолияти.
- 17.Навоийнинг нотиқлик ва нутқ маданиятига оид асарлари, фикрлари.
- 18.Касбий нутқ асослари (ўқитувчи нутқи)
- 19.Халқ оғзаки ижодида нутқ маданияти масалалари
- 20.Кайковус сухангўйлик хусусида
- 21.Таълим жараёнида нутқ маданияти масалалари
- 22.Замонавий нотиқлик ва нотиқлар

### **Мустақил таълим**

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан реферат тайёрланади ва уни тақдимоти ташкил қилинади.

Талабага мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия етилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг боблари ва мавзуларини ўрганиш.
- Бундай иш натижалари амалий машғулотларда, коллоквиумларда ҳамда рефератлар ва индивидуал берилган топшириклар орқали текширилади;
- тарқатма материаллар бўйича мавзуни асосий қисмларини ўзлаштириш.
- Бунда ўқитувчи асосий материалнинг баён қилинишига алоҳида аҳамият бериши лозим бўлади. Бундай иш натижалари рейтинг назоратининг мувофиқ босқичларида текширилади;

- ўқитиши назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Бу усул амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш жараёнида қўлланиши мумкин;

- ўқитувчи нутқи маданияти фанини мустаҳкамлаш бўйича манбаларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш. Бу иш семестр давомида бажарилади ва рейтинг тизимида баҳоланади;

- фанлар бўйича адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, кўшимча адабиётлар устида ишлаш ҳамда уларни ўрганиш. Бу иш ҳам семестр давомида амалга оширилади ва рейтинг тизимида баҳоланади;

- автоматлаштирилган ўргатувчи, назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш. Бу амалий машғулотларга тайёргарлик доирасида олиб борилади;

- масофавий таълим ёрдамида талаба амалий машғулотлар учун қўшимча маълумотлар билан таъминланади, шунингдек, талаба томонидан бажарилган индивидуал топшириқларни баҳолаш амалга оширилиши мумкин.

#### **АСОСИЙ АДАБИЙОТЛАР**

<b>№</b>	<b>Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, иили, хажми</b>
3.	Кўнғ урор Р., Бегматов Е., Тожиев Ё., Нутқ маданияти ва услубият асослари.- Т.: Ўқитувчи, 1992.
4.	Қудратов Т., Нутқ маданияти асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1993.
5.	Расулов Р., Мўйдинов Қ., Нутқ маданияти . – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети , 2004.
6.	Расулов Р., Ҳусанов Н., Мўйдинов Қ., Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. -Т., 2006.
7.	Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т.: Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, 2007.

#### **ҚЎШИМЧА АДАБЁТЛАР**

<b>№</b>	<b>Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, иили, хажми</b>
1.	Сафаев Н., Фаффоров Б. Муомала сирлари.- Т.: Наврӯз, 1992.
2.	Сиддиқ Мўмин . Сўзлашиб санъати. - Фарғона, 1997.
3.	Махмудов Н., Маърифат манзиллари.- Т.: Маънавият, 1999.
4.	Ортиқов А., Ортиқов А., Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати.- Т., 2002.
5.	Махмудов Н., Рафиев А., Йўлдошев И. Давлат тилида иш юритиш. -Т., 2018.
6.	Сувонов О., Нурумбекова Я. “Ўқитувчи нутқи маданияти” ўқув-услубий мажмуя. –ГулДУ., 2012.
7.	Сувонов О., Нурумбекова Я. “Ўқитувчи нутқи маданияти” ўқув-қўлланма.– ГулДУ., 2014.
8.	WWW. нуқф. интал. уз

#### **Електрон ресурслар**

<b>№</b>	<b>Електрон адабиётлар манзили номлари</b>
1	1. www.зиёнет.уз 2. www.tdpu.uz 3. www.педагог.уз 4. www.нутқ.интал.уз 5. <a href="http://www.ziёnet.uz/ru/либрарий/виеш/аллибс/фс/сдате/дс/acc12660">www.ziёnet.uz/ru/либрарий/виеш/аллибс/фс/сдате/дс/acc12660</a> 6. <a href="http://old.ziёnet.uz/ru/либрарий/либид/70000/тн/тыйнейд/тв/67/оффсет/60">олд.ziёnet.uz/ru/либрарий/либид/70000/тн/тыйнейд/тв/67/оффсет/60</a> 7. www.едунет.уз › Медиатека › Електроннүе книги